



2017 йил «3» апрел

№ 342/У

**Фуқаро Хушмуродов Шухратга  
Амир Темур МФЙ ҳудудидан  
Савдо ва маиший хизмат  
кўрсатиш биноси қуриш учун ер  
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун руҳсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги №1 сонли баённомаси ижросини тامينлаш мақсадида Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг хулосаси ҳамда танлов ғолиби Хушмуродов Шухратнинг аризасини инобатга олиб

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг хулосаси тасдиқланиб танлов ғолиби Хушмуродов Шухратга Амир Темур МФЙ ҳудудидан танловга қўйилган 0,05 га ер майдонига Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилиши учун ажратилсин.
2. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев), туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев) билан биргаликда ажратилаётган ер майдонида объект қурилишини лойиҳалаштириш, лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашда шунингдек қурилиш ишлари амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши юзасидан назоратни таъминласинлар.
3. Танлов ғолиби Хушмуродов Шухрат икки ой муддат ичида вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси билан келишилган ҳолда АРТ ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиб, экспертиза хулосасини олиш ва ДАҚН инспекциясидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга руҳсат берилсин ва 4 (тўрт) ой муддатда фойдаланишда тошириш вазифаси юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов